



КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Отажоновна Мадина Шарипджановна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти

тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22304957>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 27-avgust 2026 yil
Ma'qullandi: 29-avgust 2026 yil
Nashr qilindi: 31-avgust 2026 yil

KEYWORDS

коррупция, ҳуқуқбузарлик,
олдини олиш, ички ишлар
органлари, вазифалар.

ABSTRACT

Мақолада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органларининг вазифалари хусусида фикр юритилиб, жамият ижтимоий ҳаётида мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунларидан то бугунги кунга қадар амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ташкил этмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши кураш ўзига хос аҳамият касб этмоқда десак, муболаға бўлмайди албатта. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, "...жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда", "коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак"¹- деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, таъкидлаш лозимки, коррупция – ҳар қандай давлатнинг миллий давлатчилик асосларига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига жиддий хавф солади. Шу билан бирга, шахсларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги адолатга, қонун устуворлигига ва давлат органларига бўлган ишончи камайишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишни узлуксиз давом эттириш амалга оширилаётган кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга килган мурожаатномаси. 24.01.2020.

кўламли ислохотларнинг, хусусан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган «Коррупцияга қарши конвенцияси»²да (мазкур конвенцияга биноан 9 декабрь - БМТ томонидан бутун дунёда «коррупцияга қарши кураш куни» деб эълон қилинган), «коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш» деб қайд этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»³ги Қонунида «коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш» деб таъриф берилган.

Коррупция сўзининг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, «коррупция» латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора»⁴ деган маъноларни билдиради. Славян тилларида – «пора» маъносида, серб-хорват тилида – «коррумпирати» кесими «пора бериб ўз томонига оғдириш, пора бериш» деган, чехларнинг тилида – «коррупенеску» сифати эса, «сотилувчи, сотқин»⁵ деган, рус тилида – «пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлиги»⁶ деган, маъноларни англатади.

Коррупцияга илмий жамоатчилик томонидан ҳам бир қанча таърифлар берилган. Хусусан, Қ.Р. Абдурашулова, «коррупция – давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир»⁷ деб таърифлаган.

Б.И. Исмаилов, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга ҳилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади⁸ деб қайд этган. Бошқа бир хорижий манбада «коррупция, унинг миқёси, ўзига хос хусусияти ва ўсиш суръати – мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар маҳсули ҳисобланади»⁹ деб таъриф берилган.

² Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

³ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁴ Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.

⁵ Абдурашулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). –Т., 2009. –Б. 14–15.

⁶ Егорова Н. Е. Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1996. –С.22.

⁷ Абдурашулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). –Т., 2009. –Б. 60.

⁸ Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.

⁹ Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан / Под ред. Е.О.Алауханова. –Алматы, 2008. – С.8.

Таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни, мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ҳамда Конституцияга асосланган мустақкам ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Бошқача айтганда, юртимизда сўнгги йилларда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди ва бунининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳамда жамиятимизда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар амалга оширилаётганлигида қўришимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида “Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари” бўйича қўмиталар ташкил этилганлигини, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»¹⁰ги, 2023 йил 8 августда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тўғрисида” ЎРҚ-860-сон, 2024 йил 5 июнда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ЎРҚ-931-сон Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹¹ги ПФ-5729-сон, 2020 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сон, 2025 йил 21 апрелда “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сон, 2025 йил 26 декабрда “Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-259-сон, 2025 йил 30 декабрда “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармонлари ва 2017 йил 2 февралда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹²ги, 2020 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сон, 2021 йил 7 декабрда “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон, 2022 йил 12 январда “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон, 2022 йил 11 майда “Давлат бошқаруви

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5729-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-240-сон, 2024 йил 5 июнда “Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон, 2024 йил 21 июнда “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сон, 2025 йил 21 апрелда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-147-сон Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон Қарорлари¹³нинг қабул қилинганлиги ва ижроси таъминланаётганлиги ижобий ҳолатлар сифатида эътироф этиш лозим.

Жумладан, ушбу амалга оширилаётган ислохотлар натижасида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинаётганлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланаётганлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилаётганлигини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинаётганлигини таъкидлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, коррупция – ҳар қандай жамият ва давлат ҳаётига салбий таъсир кўрсатади ҳамда давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни миллий хавфсизлигимизга таҳдид сифатида баҳолашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар кўрсатилган бўлиб, ушбу органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунга биноан ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

¹³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Айтиш мумкинки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ички ишлар органлари томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жамиятимизда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш борасида ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Сабаби, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси муҳим ўрин тутди. Бошқача айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш мумкин ва бу коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосини ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, дунё амалиётидан маълумки, қайсики давлатда унинг органлари ва мансабдор шахслари ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар кўпайиб, ривожланиб борса, мазкур ҳолатларга қарши ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, ушбу мамлакат қанчалик қудратли бўлмасин, ер усти ва ер ости бойликларга эга бўлмасин, унинг натижаси нафақат иқтисодий, балки сиёсий инқироз билан якун топиши айтиш ҳақиқатдир. Бошқача айтганда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар одатда, давлатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, давлат органларига нисбатан халқ ишончини сусайтиради ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётида шахслар ўртасидаги ижтимоий адолатга тўсқинлик қилади ва маънавий муҳитнинг бузилишига асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишлари лозимдир назаримизда:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини доимий равишда тизимли таҳлил қилиб бориш;


мамлакат миқёсида шахсларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш;

доимий равишда шахслар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик ишларни олиб бориш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни кучайтириш мақсадида, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва ушбу ҳолатларни бартараф этишни тегишли органлар раҳбарларининг муҳим вазифаси бўлишини таъминлаш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликка алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларида ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид тегишли чораларни амалга ошириш, бундай ҳолатларга мурасасиз муносабатни шакллантириш, ёш авлодни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашга оид тадбирларни амалга ошириш ва барча соҳаларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозим.



INNOVATIVE
ACADEMY